5.200.000 ТОННА ТАЙЁР!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • 6 ноябрь 1974 йил, чоршанба • № 261 (16.041). Баҳоси 2 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Андижон область комитетининг секретари ўртоқ Б. Р. РАҲИМОВГА

Меҳнаткашлар депутатлари область совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ж. ҲАСАНОВГА

Андижон областининг колхозчилари, совхоз ишчилари, механизаторларини, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларини, тайёрлаш ва транспорт ташкилотларининг, саноат корхоналарининг коллективларини, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимларини катта меҳнат зафари билан — давлатга пахта сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар бажарилганлиги билан самимий табриклаймиз.

Область қишлоқ хўжалигининг меҳнатчилари пахта, деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштиришни янада кўпайтиришни, интенсивлаш асосида тўқкизинчи беш йиллик планларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажаришларига, совет халқининг фаровонлигини юксалтириш ишига муносиб ҳисса қўшишларига аминман.

1974 йил 5 ноябрь.

Л. БРЕЖНЕВ.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ БАЙРОҒИ

Эртага бутун беполён мамлакатимизда яна катта байрам. Ватанимиз халқлари ва прогрессив инсоният Улуғ Октябрни катта меҳнат ғалабалари, янги-янги зафарлар билан кутиб олиб, мубораклаб этадилар.

Бизнинг мамлакатимизда Улуғ Октябрь байрамини катта тантана сифатидагина эмас, шу билан бирга, порлоқ истиқбол йўлидаги буюк яратувчилик ишларининг яна бир йиллигига хулоса ясаладиган, ўй ва режаларимизни ягона тўғри компас — ленинизм компасига яна бир бор солиштириб кўрадиган қутлуғ кун сифатида ҳам нишонлаш одат бўлиб қолган. Бугунги кунда шуни зўр ифтихор билан айта оламизки, Октябрнинг шонли 57 йиллиги коммунистик қурилишнинг ҳамма жабҳаларида, СССР халқлари дўстлиги ва қардошларча бирлашганлигини янада мустаҳкамлашда, шонли партиямиз теварагига янада маҳкамроқ жипслашувимизда, Тинчлик программамизнинг зафарли юришида бири-биридан улкан муваффақиятлар билан нишонланади.

Бу йилги Октябрь байрами тантаналарининг яна бир тарихий жиҳати шундаки, нуни кеча мамлакатимиз халқлари молдаван, ўзбек ва қирғиз биродарларининг улуғ Советлар оиласидаги ярим асрлик олтин тўйини зўр шоду-хурсандчилик билан нишонладилар. Бу қардош республикаларнинг ўтган 50 йил ичида эришган ютуқлари Ильич даҳоси, Октябрь ғоялари, шонли партиямиз доно ленинча миллий сиёсатининг ёрқин тантанасидир.

Шу қутлуғ кунларда Октябрнинг илҳомбахш ғоялари туфайли Ўзбекистон диёри таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганлигини зўр мамнуният ва ифтихор билан қайд этамиз. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари ўртоқ М. А. Суслов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг тантанали мажлисида сўзлаган нутқида бундай деди: «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси натижасида бошқа республикалар каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам социалистик давлатга эга бўлдилар, чинакам озодликка эришдилар, туб социал ўзгаришлар қилиш учун кенг имкониятларга эга бўлдилар. Бу ўзгаришларнинг амалга оширилиши халқнинг тақдирини ўзгартириб юборди. Утмишда чор Россиясининг қолоқ чекка ўлкаси бўлмиш бу ўлка мамлакатимизнинг равнақ топган республикаларидан бирига айланди. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Совет ҳокимияти йилларида Коммунистик партия раҳбарлигида социалистик миллатларнинг аҳил оиласида рус халқи ва СССРдаги бошқа халқларнинг доимий ва беғараз қардошларча ёрдами билан иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиёт соҳасида олға қараб жуда катта қадам қўйди».

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллиги, Октябрь социалистик революцияси ғалабасининг 57 йиллиги республика меҳнаткашларининг фидоконона меҳнати ва куч-ғайратига алоҳида мазмун бағишлади.

Республикамизнинг нўл сонли ишчилар синфи саноат ишлаб чиқаришининг барча соҳаларида янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқда, тўқкизинчи беш йилликнинг белгиловчи йилида зарбдор меҳнат вахтасида туриб, байрам арафасида 10 ойлик ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари бажарганлиги тўғрисида рапорт берди.

Ўзбекистон пахтачилигининг ойдин йўлини В. И. Ленин ва Коммунистик партиямиз даҳоси, Октябрь қуёши ёритиб турибди. Ўзбек пахтакорлари шу ойдин йўлдан бориб, ўз диёрини мамлакатимизнинг «оқ олтин» хазинасига айлантирдилар, пахтачиликни ривожлантиришни эса СССРдаги барча қардош халқлар билан абадий ва бузилмас дўстлик рамзи даражасига кўтардилар. «Оқ олтин» ижодкорлари республиканинг олтин тўйига беш миллионлик улкан пахта хирмони уйиб, Ўзбекистон ССРга Халқлар ордени топширилиши муносабати билан Тошкентда ўтказилган пахтакор республикалар активида ўртоқ Л. И. Брежнев томонидан қўйилган вазифани шараф билан бажардилар. Октябрь байрами арафасида эса она-Ватанга жами беш миллион икки юз минг тонна пахта топширилди.

Аҳил ва улкан Советлар оиласида ярим аср мобайнида сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида эришган тарихий ғалабаларимиз учун Ўзбекистон ССР давлат байроғидаги қўш Ленин ордени, Халқлар дўстлиги ордени ёнига Октябрь Революцияси ордени ҳам тақиб қўйилганлиги партия ва ҳукуматимизнинг республика меҳнаткашлари меҳнатига байрам олди улкан совғаси, катта раҳматномасидир.

В. И. Ленин бундан 57 йил муқаддам Октябрь байроғига Социализм ва Меҳнат сўзлари ёнига Тинчлик сўзини ҳам ёзганди. «Халқларга — Тинчлик!» шиори эса бугунги кунда жаҳонда яшовчи барча соф ниятли кишиларнинг қатъий аҳдига айланиб бормоқда.

Совет халқи Улуғ Октябрь ишларини давом эттириб, бундан буён ҳам тинчлик ва халқлар дўстлиги ленинча ғояларининг тантанасига эришаверади, империализм, реакция ва урушга қарши нурашаётган барча кучларни жипслаштириш учун астойдил ҳаракат қилаверади.

Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!

ЎРТОҚ А. Н. КОСИГИН ҚИРҒИЗИСТОНДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

ФРУНЗЕ, 5 ноябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бугун Фрунзедан Москвага жўнаб кетди. Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиев, Қирғизистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Т. Кулатов, республика Министрлар Советининг раиси А. С. Суюмбоев, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари, Қирғизистон ССР билан Қирғизистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан Фрунзега келган делегацияларнинг раҳбарлари, партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, шаҳар жамоатчилигининг вакиллари ўртоқ А. Н. Косигинни кузатиб қолдилар.

Шу куни ўртоқ А. Н. Косигин Москвага келди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИГА

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Самарқанд области пахтакорларини, барча меҳнатчиларини катта ғалаба — давлатга пахта сотиш юзасидан юбилей социалистик мажбуриятларининг бажарилиши билан самимий табриклайдилар.

Тайёрлов пунктларига биринчи марта 500 минг тоннадан ортиқ пахта элтиб берилди. Область механизаторлари йиғим техникасидан унумли фойдаланиб, давлатга топширилган пахтанинг 62 процентини машиналарда териб олишга эришдилар.

Шу йилнинг оғир шароитларида эришилган бундай муваффақият пахтакорлар, механизаторлар, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларининг фидоконона меҳнати, қишлоқда ташкилотчилик ва сиёсий иш яхши олиб борилганлиги, беш йилликнинг тўртинчи, белгиловчи йили топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун бошланган социалистик мусобақа кенг авж олдирилганлиги натижаси бўлди.

Пахтачи ва Самарқанд районларининг деҳқонлари давлатга пахта сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. Пайариқ, Пастдаргом, Каттақўрғон, Иштихон, Хатирчи, Нарпай, Оқдарё, Жомбой ва Булунғур районларининг деҳқонлари зиммаларига олган мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Самарқанд областининг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини нест-нобуд қилмай, йиғиштириб оладилар, 1975 йил ҳосили учун барча кузги-қишки ишларни ўз вақтида ва юқори сифатли бажарадилар, чорва қишловини яхши ўтказадилар, пахтачиликни, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ривожлантиришда янгидан-янги муваффақиятларга эришадилар, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотиш юзасидан беш йиллик план топшириқларини шараф билан бажарадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ПАХТАКОРЛАРНИНГ УЛКАН ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, мисли кўрилмаган сув танқислигининг оғир шароитида мўл пахта ҳосили етиштириб, йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказдилар ва давлатга пахта сотиш юзасидан социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар.

Республика деҳқонлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб, юбилей йилида давлатга камида 5 миллион тонна пахта сотамиз деб партияга, ҳукуматга ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга сўз бердилар ва бу сўзларини устидан шараф билан чиқдилар.

Орзу қилинган маррага 30 октябрда биринчи марта эришилди — давлатга 5 миллион тонна пахта сотилди, Улуғ Октябрнинг 57 йиллиги арафасида эса, пахта тайёрлаш ҳажми рекордли рақамга — 5 миллион 200 минг тоннага етди. Бу — халқ хўжалик планида кўзда тутилганидан 623 минг тонна кўпдир. Давлатга пахта топшириш давом этмоқда. Шу беш йилликнинг тўрт йили мобейнида халқ хўжалик планидан ташқари 1 миллион 920 минг тонна пахта сотилди.

Қорақалпоғистон АССР ва республикадаги барча областларнинг пахтакорлари улкан хирмон учун, юбилей йили юксак социалистик мажбуриятларини бажариш учун бошланган умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшдилар ва халқ хўжалик планларини бажардилар. Пойтахт Тошкент областининг, Хоразм, Андижон областларининг, Қорақалпоғистон АССРнинг, Сирдарё ва Самарқанд областларининг деҳқонлари социалистик мажбуриятларини биринчи бўлиб бажардилар.

Умуман республика бўйича ҳар гектар ердан 30 центнердан зиёд — ўтган йилдагидан бир центнер кўп пахта тариб олинди. Ҳар гектар ердан 40,9 центнердан хирмон кўтарган Хоразм областининг пахтакорлари рекорд ҳосил олишга эришдилар. Сурхондарё, Андижон, Тошкент, Наманган, Бухоро областларининг колхоз ва совхозлари ҳамда республиканинг 60 райони ҳар гектар ердан 30 центнердан ошириб, 19 район эса 35-40 центнердан ва ундан ҳам кўпроқ ҳосил олдилар. Хива, Янгиариқ, Пахтачи, Боғот, Хонқа, Урганч, Қўйи Чирчиқ, Шовот, Кўшкўпир, Тўрткўл, Гурлан, Сариосиё, Избоскан, Денов, Шўрчи, Юқори Чирчиқ, Ҳазорасп, Жарқўрғон, Хўжаобод районларининг хўжаликлари энг юқори ҳосил олишга эришдилар. Бир қанча районлар, кўлгина колхоз ва совхозлар, минглаб бригадалар пахта етиштириш беш йиллик топшириқларини анча ошириб адо этдилар.

Механизаторлар пахта тайёрлашнинг юқори суръатлари билан олиб борилишида ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Улар техникадан юксак унум билан фойдаланиб, пахта териш машиналари ёрдамида бутун ҳосилнинг ярмидан кўпроғини — 2660 минг тонна пахта тариб бердилар.

Сирдарё областининг хўжаликлари бу йилги мавсумда йиғим-терим ишларини механизациялаштириш даражасини 78 процентга, Тошкент областининг хўжаликлари 72 процентга, Жиззах областининг хўжаликлари 66 процентга, Самарқанд областининг хўжаликлари 62 процентга етказдилар. Республиканинг кўпгина районлари, колхоз ва совхозлари ҳосилнинг 80 процентини ва бундан ҳам кўпроғини машиналар билан тариб олдилар, Ильич, Оқолтин, Боёвут, Учқўрғон, Норин, Задарё, Қуйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ районлари эса машина терими салмоғини 80-90 процентга етказдилар. Пахта териш машиналарининг минглаб механик-ҳайдовчилари юбилей вахтасида туриб, мавсумда машина билан 300-500 тоннадан ва бундан ҳам кўпроқ пахта теришга эришдилар. Қозоқ Камолов, Обиджон Акбаров, Аҳмад Ҳамроев, Аҳмад Валиев, Хонкелди Холиқов, Хабибахон Ғафурова, Бобошер Шоқиев, Жиянқул Рустамов, Кувондиқ Абдураззоқов, Сервер Усеинов, Неъмат Абдумаликов, Такє Ибодуллаевлар ана шундай механик-ҳайдовчилар жумласидандир.

КПССнинг илмий асосланган аграр сиёсатининг оғишмай амалга оширилганлиги, ерларни мелиорациялаш, химиялаштириш ва комплекс механизациялаштириш, шунингдек деҳқончилик маданиятини ошириш ва чигитнинг серҳосил, вилтга чидамли навларини экишни жорий этиш негизида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг партия ишлаб чиққан комплекс программаси рўёбга чиқарилганлиги ана шу муваффақиятларнинг манбаи бўлди.

Шаҳарлар, район марказларининг меҳнаткашлари ва ўқувчилар ҳосилни йиғиб-териб олишда катта ёрдам бердилар.

Далалар ва фермаларнинг меҳнатчилари республика ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб нишонлашга интилиб, қишлоқ хўжалигининг бошқа барча соҳаларида ҳам катта муваффакиятларга эришдилар.

Давлатга 540 минг тонна — халқ хўжалик планига нисбатан 114,4 процент ғалла, шу жумладан 215 минг тонна — планга нисбатан 130 процент шоли сотилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев табригидан илҳомланган республика меккажўхоринорлари дон етиштиришни ўтган йилдагига нисбатан 1,7 баравар кўпайтирдилар, давлатга 135 минг тонна — 1973 йилдагига нисбатан қарийб икки баравар кўп дон сотдилар. 80 минг гектар майдондан йиғиштириб олинган меккажўхорининг ўртача ҳосилдорлиги 59 центнерга етди.

(Давоми иккинчи бетда).

ПАХТАКОРЛАРНИНГ УЛКАН ҒАЛАБАСИ

(Бошы биринчи бетда).

Бу йил давлатга 1 миллион 460 минг тоннадан кўпроқ сабзавот-полиз экинлари маҳсулоти ва картошка, салкам 400 минг тонна мева ва узум сотилди. Мева-сабзавот маҳсулотини топшириш ва мамлакатнинг саноат марказларига етказиб бериш халқ хўжалик планлари ва социалистик мажбуриятлари ошириб бажарилди, каноп ва пилла тайёрлаш планлари ошириб адо этилди.

Республикада чорвачилик муваффақиятли ривожланмоқда, унинг озуқа базаси мустаҳкамланиб бормоқда. Бу йил 1973 йилнинг шу давридагига нисбатан гўшт етиштириш 14 процент, сут етиштириш 11 процент, тухум етиштириш 15 процент кўпайди, барча турдаги чорва туёғи ва парранда сони ортди, уларнинг маҳсулдорлиги ошди, шу йил 1 ноябргача давлатга ўтган йилдагига нисбатан 18,8 минг тонна гўшт, 30 минг тонна сут, 56,6 миллион дона тухум, 1721 тонна жун, 456,5 мингта қоракўл тери кўп сотилди. Маҳсулот топшириш давом этмоқда, давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш юзасидан 1974 йил учун олинган мажбуриятлар анча ошириб бажарилади.

Бу йил қурғоқчилик бўлганлигига ва яйловларда ўт-ўланлар тез қуриб қолганлигига қарамай, кўрилган чоралар натижасида хашак тайёрлаш плани 109,5 процент, сенаж бостириш плани 113,7 процент, силос бостириш плани 110,6 процент бажарилди. 76 минг тонна витаминли беда уни тайёрланди. Чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш учун барча зарур тадбирлар кўрилмоқда.

Бу ғалабага колхозчилар, совхозларнинг ходимлари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалик органлари мутахассисларининг қаҳрамонона меҳнати туфайли, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари зўр собиткадамлик билан ташкилотчилик ва сиёсий иш олиб борганликлари туфайли эришилди.

Республика деҳқонлари бу ғалабани Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги байрам қилинаётган шодиёна ва тантанали кунларда қўлга киритдилар. Республика колхозчилари, совхозларнинг ходимлари, барча меҳнаткашлари ўз меҳнатларига юксак баҳо берганликлари ва республика Октябрь Революцияси ордени билан мукофотланганлиги учун биринчи миннатдорчилик сўзларини КПСС Ленинчи Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига, билдирадилар.

Республика қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари қўлга киритган ғалаба тўғрисида рапорт берар эканлар, кўрсатган катта ёрдамлари учун мамлакатнинг барча меҳнатчиларига ва қардош халқларига самимий миннатдорчилик изҳор этадилар, ана шундай ёрдам бўлмаганида, бу ғалабага эришиб бўлмас эди.

Граждан авиациясининг учувчилари, автомобиль транспортининг, тайёрлаш ташкилотларининг ходимлари ғалабага эришишда катта ёрдам кўрсатдилар.

Узбекистон деҳқонлари ва чорвадорлари КПСС XXIV съезди қўйган улуғвор вазифаларни амалга ошира бориб, далаларда ва фермаларда ўз фидокорона меҳнатлари билан улуғ Ватанимиз бойлигини бундан буён ҳам кўпайтиришга, қишлоқ хўжалик йилини муваффақиятли тугаллаш, барча кузги-қишки ишларни ва чорва қишловини намунали ўтказиш учун, КПССнинг XXV съездини меҳнатда янгидан-янги ғалабалар билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёздиришга қатъий бел боғлаганлар.

ЯНГИ ОЛАМ, ЯНГИ ОДАМ

Инсон бир неча ёшга кирди. Шу узун силсилали йилларда у нималарни яратмади ва ижод этмади! Уммон-уммон ризқи-рўзи воситалари ва битмас-туганмас гўзалликлар дунёси: неча-неча ва не-не ажойиб мева, дон ва гул хиллари; Шарқдаги Низомиёна назм ва Римдаги Рафаэлона маҳорат намуналари; ҳайратомуз нақшин кошоналар ва ажиб бадиий афсоналар; Юнон ҳайкалтарошлиги ва Самарқанд меъморчилиги, классик рус маданияти ва Ғарбнинг илғор санъати мўъжизалари... Эҳ-ҳе буларнинг барчасини санаб бўладими! Ҳа, инсон бир неча минг машаққатли йиллар мобайнида ўз даҳоси ва қўли қудратини, пешана тери ва бедор кечаларини шуларга айлантирди. Ўзи ҳам алпқаҳчонлар бутун хилқатнинг туб моҳиятига, коинот тожи ва маъжудот маъносига айланди. Ахир, у бўлмаса чунончи, бинафша оддий бир гиёҳ, булбул эса паррандаларнинг бир тури бўлибгина қолаверарди-да — бинафша ҳуснига ва булбул куйига алоҳида маъно ва ўзгача баҳо берган шу инсон эмасми?! Ёхуд, оддий темирни ақлли машинага айлантирганчи!

Аммо шу даражада мустасно улуғ зотнинг муқаддас боши тош ва таҳқир зарбаларидан, дили алам азобларидан, кўзи қонли ёшдан аримади, гўзал дунё унга ғамхона бўлди. Буюк инсонпарвар Навоий бу ҳожиани шундай ғоят чуқур ҳикматона ифодалаган эдилар:

Жаҳонки зоҳир айлар лолаю боғ,
Эрур ул боғ — зиндон, лоласи доғ...

Хуллас, асрларда одамийлик, ижод, ақл ва адолат бир томон бўлдию, ноинсофлик беҳаёлик ва талон-торожлик бир томон. Минг йиллик илғор адабиётимизда ўшал асрларга қарата айтилган «кажраф...», «кажрафтор...» ибораларининг манбаи ва маншаи ҳам худди мана шунда! Бу тескарилик — адолатсизлик жумбоғини ҳеч қачон ҳеч ким ҳеч қандай йўл ва восита билан ҳал қила олмади. Бир юз йил ортидан бошқа қатор юзлар келиб кетаверди шу вазиятда. Лекин барибир охирда унинг калити топилди, — Ленин топди, — инсофсиз асрларга, инсон тақдири ва тарихи ғилдирагининг бу тескари айланишига хотима бериш бизда, улуғ Ленин Ватанида бошланди. Бу, башарият ҳаётига биринчи дефъа янги, ҳамиша навқирон, энг гўзал ва гуманистик эпоханинг кириб кела бошлаши демак эди.

...Бу жангу жадаллар билан тўла улкан жараён 1917 йил Октябрининг захматкаш баррикадалари ва зафар ҳайқириқларидан бошланди. Ҳар бири асрларга тенг бўлган, машъум эскилик ва қолоқликни йўқотиш, вайроначи ва ажалфуруш ёвларни енгиш, тарихда мисли кўрилмаган тубдан янги ва энг юксак жамият ҳамда ўзгача табиат яратиш йилларида кучайди, чуқурлашди, буткул ғалаба қилди. Бу Ленин партияси истаги ва раҳнамолиги туфайли бўлди. Совет ҳокимияти мақсадлари ва қудрати туфайли бўлди, халқларимиз ҳаракати ва ҳамжиҳатлиги, ҳамдастлиги туфайли бўлди.

Ҳа, шу тарзда бизда янги олам ва унга моманд янги одам яралди, камол топди. Шу янги олам қонуни ва тартиб-қоидаларига кўра бу янги одам тарихда биринчи марта амалда энг қимматли ва муқаддас зотга айланди. Шу тахлит унинг моҳияти ва тарихида энг зўр табаддулот ва бурилиш рўй берди.

Мудҳиш кечмишдан ўтган ва инсон номига исиод келтирадиган иллатлардан ҳолидир бу одам. Алдамчилик ва мунофиқликдан, муттаҳамлик ва разилликдан ҳазар қилади у; ҳийла ва хиёнатни нафратлайди у; ўзганинг бахти ва меҳнатини ўғирлашни лаънатлайди у.

Асосий гап бундагина эмас.

У, энг соф ва сафоли, энг юксак ва гўзал, энг нуроний ва олижаноб фазилатлардан иборатдир, энг ажойиб инсоний хислат ва ҳиссиётлар билан безангандир: инсоф ва қаҳрамонлик, тўғрилик ва меҳрибонлик, самимийлик, ва халоллик, камтаринлик, меҳнатсеварлик ва гуманистлик тажассумидан иборатдир у.

Асосий гап бундагина эмас.

Асрлар мобайнида асоратдаги халқ фантазияси, орзуси ва ғоят баланд даражали сўз санъати соҳиблари даҳоси ҳудолар билан курашган Прометейни ва ўлим билан беллашган Жамшидни, жаҳонгир Искандар Зулқарнайн билан олишган Нушоба ва ажал билан ёнма-ён туриб ёв лашкарини ҳалок қилган Широқни, эл-юртга сув йўлин тўсиб ётган метин тоғни кесган Фарҳод ва жанг мўъжизасин кўргазган Алпомишларни яратди.

Лекин биздаги ҳазрати одам улардан ҳам мазмундор, баланд ва қудратли бўлди, улардан ҳам зўр чиқди. Ахир, чунончи, улар ўшал орзу ва даҳо эгаларининг ҳаёлидагина мавжуд бўлиб, учар гилам сайрини қилдилар, тош тоғни кесдилар, аждаҳоларни енгдилар ва адолат ўрнатдилар! Биздаги ҳазрати одам эса, ўзи яратган реал янги олам заминда туриб, ҳаётда ва ҳақиқатда мўъжизалар амалга оширмоқда. Зулм, эксплуатация ва талаш, бирларнинг ҳаром бойлигини кўпайтириш, кўпларнинг қашшоқлигини кучайтириш асосига қурилган бутун бошли бир социал система — жамиятни ағдариб ташлаб, унинг ҳаробалари устида буткул бошқача, тараққиёт ва ҳаққонийлик ҳукмрон бўлган улкан ижтимоий воқелик барпо этди. Бу инсон Ватанимиздаги миллионлардан иборат бўлиб, ягона совет халқининг синонимига айланиб кетди...

Шу воқелик — социалистик ҳаёт, ундаги барча беҳисоб бойликлар уникидир, унинг ўз тақдири ҳам ўз қўлида, шу тақдирни белгилаш ва ҳал қилиш ҳам унинг ихтиёридадир. Унинг меҳнати ва маҳсули ҳам ўз фойдасига, бутун элу-юрт фойдасига. Ҳозирги кунигина эмас, келажагининг ҳам тўла хўжасидир у.

Хуллас, бизда ҳамма нарса шу ҳазрати одамнинг бахти, озодлиги ва баҳодирлиги учундир, шу одам бахти ва баҳодирлиги хизматидадир, шу одам бахти ва баҳодирлигини, қудратини ҳам яратадиган, ҳам енгилмас қиладигандир.

Ҳа, бизда халқ, одамлар тамомила ўзгариб кетдилар. Мана, масалан, 1923 йилда олинган ва бирнеча юздан ортиқ кишилар акс этдирилган фотосуратни кани кеча кўздан кечирдим: кўринишлари тамомила бошқа, кийим-кечаклари, туриш ва юз-кўз ифодалари бошқа ҳозиргилардан... Уша вақтлардаги Тошкент марказини ҳам эсга келтириб кўринг! Ёки ,1924 йилдаги газетани яқинда варақлаб қарасам, саводсизликни тугатиш курсига даъват этадиган эълонга ва кўклам келабошлаш муносабати билан омоч ва хўкизларни тайёрлаш кераклиги ҳақидаги хабарга кўзим тушди...

Дарҳақиқат, ҳозир ўша ўзбекнинг ўғли, қизи партиямиз туфайли шу қадар қудратли, бахтли ва баҳодирки, атом қувватини ром қилмоқда, янги қўл ва денгиз яратиб, ер остидаги дарё-дарё сувни юз эллик метр баландликка кўтариб, чўлни чаманга айлантирмоқда; омочни музейга топшириб, юз қирқ мингдан кўп трактор ва юзлаб самолёт, минг-минг «зангори кема» штурвалларини идора этмоқда. Эллик йил ичида, чунончи, пахта миқдорини юзлаб процентга ошириб юборибди-я азамат!

Яна: бирнеча ўн йил аввал Тошкент Бешёғочи ва Андижон Асакасидан нарига ўтмаган ўзбекнинг бугунги авлоди дунёнинг бешдан бир қисми ҳисобланган буюк ва бепоён диёрнинг соҳиби бўлиб олди, ундаги барча бошқа ҳар хил тилли соҳибларни ўз ватандоши, қардоши ва йўлдоши деб танийди, севади, ардоқлайди. Шу дўстлари билан бир тан-бир жон бўлиб, шу диёрни идора этиш ва бойитишда фаол иштирок қилмоқда.

Яна; у ўз қардошлари оиласида шу қардошлари билан биргаликда жаҳон империализмини жиловлашга ва араб муборизи ҳамда ҳинд дўстига, ер курраси нариги ярмисидаги кубалик коммунист ва чилилик инқилобчига мадад беришга катта улуш қўшмоқда. У бутун даврмиз томири уришини тушунади, океан ортидаги монополистни билади, коинотдаги Венера сирларидан хабардор. Борган сари кўп мамлакатлар бўйлаб бўлаётган ақл ва адолатга мос янгиланиш жараёнининг ғалабасига тегишли ҳисса қўшмоқда.

Шундай қилиб у, башариятнинг асрлардан асрларга ўта тескари айланиб, азоб бериб келган тақдири ғилдирагини тўғри йўлга солиб юборaётганлардандир...

Ҳа, бизда янги олам, янги одам ҳар соҳада камолот чўққиларини бирин-кетин эгаллаб, бутун дунёни ҳайрату-ҳаяжонга солмоқда.

Бир вақтнинг ўзида бир чеккасида ой чиқса, иккинчи чеккасида ботадиган бепоён диёримизда шундай! Жумладан, социалистик Узбекистонда шундай! Унинг яқинда қайд қилинган эллик йиллик тўйига бағишланган тантанадаги ўртоқ М. А. Сусловнинг ёркин нутқи ва Ш. Р. Рашидовнинг мазмундор докладини яна бир синчиклаб ўқиб чиқилса, ву тараққиётнинг ўта улкан ва ажойиб панорамаси кўзга яққол ташланади, бу янги олам ва янги одам ўзининг бутун гўзаллиги ва улуғворлиги билан кўз ўнгида гавдаланади.

Улуғ Октябрдан янги тарихнинг бошлаган совет халқи, совет кишиси шу қадар қудратли, бахтли ва баҳодирдир, қадрдондир...

Воҳид ЗОҲИДОВ.

Буюк Советлар Иттифоқининг шарқий дарвозаси Тошкент мамлакатимизнинг энг йирик шаҳарларидан бири. Унинг экономикаси йил сайин ўсиб, чиройи очилиб бормоқда. Суратда: 1. «Таштекстильмаш» заводининг экспериментал цехи. Суратда: слесарлардан А. Фоменко ва А. Шапиро. 2. Шаҳарнинг Ленин номли проспектидаги кўп қаватли биноларр.

И. Глауберзон фотолари.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада капитал қурилишни ривожлантиришдаги хизматлари учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли Фарғонадаги 8-қурилиш трестининг бош инженери Григорий Фёдорович **Онишченкони** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йиллар самарали ишлаганлиги ҳамда қишлоқ хўжалик фанини ривожлантиришдаги хизматлари учун, туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг директори Воҳоб Абдураззоқович **Абдураззоқовни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

САОДАТ МАНЗИЛИ

Н. НАЗИРОВ,
Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг мухбир аъзоси, профессор.



Бошқа иттифоқдош республикаларда бўлгани каби Узбекистонда ҳам маҳаллий миллат ёшларининг ҳар томонлама камолга етишувида, илм-зиёсидан баҳраманд бўлишида Улуғ Октябрь революцияси туфайли вужудга келган қулай шарт-шароит ҳал қилувчи роль ўйнади. Улқамизда социализм қуёшининг барқ уриши, маданий революциянинг нурафшон нурлари, жонажон партиямизнинг доно ленинча миллий сиёсати халқимиз ҳаётида туб бурилиш ясагани ҳаммага аён.

Кўп миллатли диёримизда қишлоқ хўжалигининг фанининг ривожланиши учун, барча миллат олимларининг ижодий камолоти учун ҳам кенг имкониятлар яратиб берилдики, ҳар бир ютуғимизнинг уфқида доҳий В. И. Ленин, у тузган жанговар Коммунистик партия раҳнамо бўлиб турибди.

Олимларимиз фаннинг барча соҳаларида, айниқса, пахтачилик соҳасидаги ютуқлари мамлакатимиз ташқарисида ҳам маълум. Булар ҳам назарий, ҳам халқ хўжалиги аҳамиятига эга. Вилтга чидамли, юқори ҳосилли, эрта пишар «Тошкент-1, 2, 3», ингичка толали «С-6030» каби ғўза навлари яратилди. Ушбу қутлуғ айёмда биз мазкур навларнинг муаллифлари, СССР Давлат мукофоти лауреатлари С. Мираҳмедов ва Ю. П. Хуторнойларнинг номларини зўр ҳурмат билан тилга оламиз.

Тошкентда Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик академиясинин (ВАСХНИЛ) регионал бўлими ишлаб турибди. Буларнинг ҳаммаси партия ва ҳукуматимизнинг иттифоқдош республикалар қишлоқ хўжалик фанини кенг ривожлантириш ҳақида кўрсатаётган ғамхўрлигининг ёркин намунаси, Улуғ Октябрнинг шарофати туфайлидир. Саодат манзили — коммунизм сари дадил одим ташлаётган меҳнатсевар халқимиз бунинг учун улуғ Ленин тузган Коммунистик партияга ўзининг чуқур миннатдорчилигини изҳор этади.

ЧЎЛ ПАХТАСИ

(ЭТЮД)

Чўл кезиб келаётган эдим, Холматжонни бир ров кўриб ўтгим келди. Идора дамида, пешайвон бўлиб кўтарилган ток-сўри тагида ўтирдик. Куз боши, иссиқлик даражаси йигирма бешнинг устида. Ичкари салқиндай кўринса ҳам дим, бу жойнинг атрофи очиқ, ҳаво мусаффо, ғир-ғир шаббода эсиб туради. Холматжон узум узди; ҳа, узум росе бўлибди, ҳақиқ тусли бўлиқ бошлар токсўри тагида осилиб турибди: ўзини кўз-кўз қилгандай.

Етти-саккиз йил олдин идораси бу эмас, йўлнинг нариги бетида, кичкинагина уйча эди. Ўшанда дарахтлар ҳали ниҳол эди, ҳозир шохлари тарвақайлаб, кўча-йўлларга қуюқ соя ташлабди.

Ўшанда, Марозиқов бошлиқ ўн етти хонадондан иборат «чўлчилар» (улар ўзларини шундай деб аташган эди) кўчиб келганда бу қишлоқнинг кўчалари, пишган ғиштдан қурилган уйлари бору, номи йўқ эди. Дастлаб битган ўн етти уйга шу ўн етти хонадон кўчиб кирди, колхознинг биринчи мажлиси шу уйлардан бирида ўтди; колхозга ҳам, кўчага ҳам шу мажлисда ном қўйишди: Карл Маркс номли колхоз, Марксобод қишлоғи.

Ўшанда баҳор эди. Чўлчилар кўча ёқасидаги бир-икки гектар ерга Марғилоннинг яхши олмалари, луччак шафтолиларидан олиб келиб, кўчат ўтказишди. Шу куни кечкурундан бошлаб қаттик шамол турди. Ҳамма уй-уйига кириб кетди. Холматжоннинг кўзига уйқу келмас, қулоғи деразани гоҳ чертиб, гоҳ қум чаплаб ўтаётган шамол овозида :кўқарамикин ниҳоллар; одамлар эрталаб кўрпа-ёстиғини ортиб жўнаб қолишса-я?

Йўқ, кетишмайди, умид билан келишган... Кетишмади, шамол-бўронлар ҳам уларнинг кўнглини совитолмади бу ердан.

Ўша йили кузда яна қирқ хонадон келиб қўшилди. Колхоз уч ёшга тўлганда эса марксчилар уч юз эллик хонадон бўлишди. Интернационал колхоз.

— Биринчи йили 82 гектар ерда пахта етиштирдик, — дейди Холматжон. — Азамат «чўлчи»ларимиз ҳар туп ғўза, ҳар туп ниҳолни шамол, шўр ва қум ҳужумидан чақалоқни авайлагандай асрашди. Бу инсоннинг ҳаёт учун чинакам кураши эди, бу одамлар меҳрини шу ерга, бу жойни обод қилишга боғлади. Ҳеч ким ҳеч ёққа жилмади, шу ерга гомир отиб ўрнаб қолишди. Бизга ўша йили ундирган ўн икки центнерлик ҳосилдан кўра, дастлабки деҳқончиликнинг бу ҳосили керак эди. Ундирдик. Демак, буёғига ҳам бардошимиз етади.

Холматжон чўлдаги ҳаёт ривожининг суръатини ҳикоя қилар экан, дастлабки қуёв-келинчакларнинг болалари ҳозир дастёр бўлиб қолганини, улар Марксободда бино бўлган мактаб синфларини тўлдирганини айтар, бу гапидан ўзи роҳат топарди.

Кўчада машина тўхтади. Холматжон ўрнидан туриб, кўча томон юрди. Тошлоқ район партия комитетининг секретари Абдусамад Маҳмудов келди. У Холматжон билан қулиб сўрашди-да, менга мурожаат қилди:

— Раис бу йил ҳисобидан қандай адашганини гапириб бердими?

Мен гапнинг тагини дарров тушунолмадим. Иҳоз кутгандай Марозиқовга қарадим.

— Каранг-а, шу бу йил адашиб ўтирсак, — деди Холматжон мулойим жилмайиб. — Ҳар йилги йўлни тутдик, ҳар йилги меҳнатни қилдик, емиши ҳам ўша, суви ҳам; ё тупроқ авжи кучга тўлдими, ёки уруғ хоҳлаб қолдими, биолмадим. Август бошларида ҳам билинмаган эди. Бир куни денг, пайкал оралаб юрсам, ғўза кўкрагимга уради, эгатда юргизмайди. Ғўзалар шохи туташ, бир-бирига айқашиб кетибди, кўсаклар ғуж-ғуж, тўлишиб етилган; ғўза таналари қип-қизил, новдалар роса пишган, демак, ғовлаб ҳам кетмаган. Кейин эгатма-эгат юриб кўсак санашга киришдим, иқрор бўла қолай, шунча тиришиб санасам ҳам адашиб кетавердим. Хотирам бўшашганини тан олиб, кўча ёқасида бош ушлаб ўтирсам, Абдусамад ака келиб қолдилар. Бу кишига гапириб бердим. Ишонқирамади. Иккаламиз ўша куни роса пайкалма-пайкал ғўза ораладик. Фақат мен эмас, ўзларининг хотиралари ҳам тутқи бермади, — Холматжон енгил кулиб қўйди.

— Буёғини ҳам айтинг, гап чала қолмасин, ахир обкомгача бордингиз-ку, — деди Махмудов.

— Тўғри, бордим, — деди Холматжон гўё истар-истамас, гапини улаб. — Шу ерга ўрнашиб, колхоз тузганимизга неча йил бўлган бўлса, биз пахта теримида шошилиб қолмасдик, деярли ҳамма пахтани машиналарда терардик, қўлда ер чети, тўқилгани, чанокда қолганини олардик. Машиналашган колхоз эдик. Бу йил бўлса қўрқиб қолдим, негаки пайкалларнинг кўпига машина киролмайди, машина кириши учун ғўза шохларини бир-биридан айириб, эгатларни очиб бериш керак. Марозиқов терим машинасидан қайтди, дейишса одамлар ҳайрон бўлишса керак. Чунки машинада териш борасида биз областда биринчилар олдида юрардик. Ва чора, бу йил эльбурутдан теримчи сўрашга мажбур бўлдик.

— Машиналар нима бўлади?

— Машиналарни бекор қўймаймиз, бу ерда, ғўза шохлари камроқ айқашган пайкалларда ҳам ишлайди, лекин асосан чўл бригадаларида теради. Эҳтимол, иккинчи теримдан бу пайкалларга ҳам киритиш мумкин бўлар.

Холматжоннинг чўл бригада деганидан ҳам таажжубландим, ҳам хаёлга ботдим. Ахир, бу мулойим, лекин ўз сўзли йигит чўлда макон қуришга аҳд қилган довюраклар гуруҳига бош бўлиб кўч-кўрон ортиб келгандан бери кўп вақтлар ўтдими? Йигирма йил, йўқ, ундан ҳам кам. Ўшанда Холматжон, чўл қийинчиликларига дош беролармикан бу, деб хавфсирамаганмиди? Шу азаматларнинг юрак тапти қиска вақт ичида бу ерда чўл маъносини тугатибди...

Шу ерда бир воқеа эсимга тушди. Эллик йил олдин, Йўлдош Охунбобоев республика оқсоқоллигига сайлангач, орадан кўп ўтмай, давлат бошлиғи сифатида Марғилонга келибди, чорикорлар ва батракларни эргаштирибди, улар билан биргаликда ариқ қазиб, Ёзвонга сув етаклабди, уларга ер тақсимлаб берибди. Ўшанда халойиққа ваъз айтибди: бу ерга маҳкам ўрнашинглар, чуқур томир отинглар, уруғ ташланглар, боғ-роғли жойлар қилинглар, чўл гулистон бўлсин, дебди. Марғилонлик бир эшон бўлса: «Мусулмонлар, бу балшавойнинг гапига учманглар, қум саҳросини худонинг ўзи яратган, энг ёмон кўрган бандасини шу ёққа йўллайди, уни қум ютади» деб одамларни чўчитмоқчи бўлибди. Эшоннинг гапига кирганлар умри тугай деб қолган чорикорликка, батракликка яна қайтдилар, балшавойнинг гапига кирганлар эса, қумтепаларни текисладилар, ўз қўллари билан бу саҳрода жаннат бунёд қилдилар, ҳамма тарафдан, ҳатто чет эллардан келган меҳмонлар бу жаннатда сайр-томоша қилдилар. Меҳмонларни бу жойнинг кекса бунёдкори Абдулла бобо бошлаб юрар, уларга Чўл—Гулистон таърифини, тарихини ҳикоя қилар эди...

Эртасига Толлиқудуққа бордик. Ёзвон марказидан ўтгач, ўнг қўлга бурилиб, чўл ичига кириб кетдик. Мана бу жойда чинакам чўл, инсон энди қўл ураётган чўл кўринди; пастқамликда ўсган юлғуннинг қипқизил гули кўзга ташланади, ел шувоқ, какра ва ҳашакнинг ўткир, туруш ҳидини анқитиб юради; йўлнинг икки бетига қалин экилган тол навдалари нимжон кўкарган; айрим жойларда кўчалар, экинлар қум тагида қолиб кетган; йўл ҳам янги, ҳали тупроқ шағали дуруст ётмаган, бостирилган асфальт тупроқ-қумга қоришиб ётибди; мана буни чўл деса бўлади, инсон эзгу ният билан энди қўл ураётган чўл. Аммо бу ерда чўлнинг сўнгги парчалари қолибди, гирдибодлар кўтаришга, қум оқизиб келиб, экинтикинни хароб қилиш, йўлларни кўмиб юборишга ожиз. Демак, Марказий Фарғона чўли тугаяпти.

Хушқомат, чеҳраси кулиб турадиган йигит сўридан туриб келиб, ўзини Турсунбой деб таништирди. Бу ерга ўрнашганига 3-4 йил бўлибди, беш-олти юз гектар майдонда турли хил экин кўкартирибди: қовун-тарвуз, маккажўхори, шоли. Ўтган йилдан бери пахта етиштира бошлабди. Ўзининг айтишича, бу йил 200 гектарга етибди.

— Мажбуриятимиз 450 тонна эди. Республикамизнинг 50 ёшли тўйига,— дейди Турсунбой, — бригада аъзолари қўшимча мажбурият олишди: 500 тонна. Пахтамиз бир оз кечки эди. Планни бажардик энди мажбуриятни бажаряпмиз.

Турсунбой, кўкламги бўронлар ғўзамизни кўп қийратди, бир неча бор қум босди, биз қайта экавердик, ҳар туп ғўза учун курашиб, етказдик буни демади. У ғурур билан ғўё хитоб қилди:

—Беш юз тонна, чўл пахтаси!

Йўлдош ШАМШАРОВ.

«МАРШАЛЛИК ЮЛДУЗЛАРИ» ТОПШИРИЛДИ

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний 4 ноябрь куни Кремлда бир группа таниқли совет ҳарбий бошлиқларига маршаллик даража белгиси — «Маршаллик юлдузи» ва СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқларини топширди. Топшириш маросимида СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе ҳозир бўлди.

Армия генералларн А. А. Епишев, П. И. Ивашутин, В. Г. Куликов, С. К. Куркоткин, П. Н. Лашченко, Е. Е. Мальцев, В. Ф. Маргелов, Н. В. Огарков, И. Г. Павловский, А. И. Радзиевский, С. Л. Соколов, В. Ф. Толубко, И. Е. Шавров, С. М. Штеменкога «Маршаллик юлдузлари» топширилди.

Топшириш маросими вақтида Н. В. Подгорний КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми номидан, шахсан КПСС Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев номидан ҳарбий бошлиқларни «Маршаллик юлдузлари» топширилганлиги билан самимий табриклади, уларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ҳамда Совет Армияси жангчиларининг жанговар ва сиёсий тайёрлигини ошириш соҳасидаги ишда янги катта муваффақиятлар тилади.

Н. В. Подгорний ҳарбий бошлиқларни яқинлашиб келаётган катта байрам — Улуғ Октябрнинг 57 йиллиги билан табриклади.

Ҳарбий бошлиқлар номидан сўзга чиққан қуролли кучлар бош штабининг бошлиғи — СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, армия генерали В. Г. Куликов ўз меҳнатларига берилган юксак баҳо учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматига қизғин миннатдорчилик билдирди ҳамда совет қуролли кучлари бундан буён ҳам социалистик ғалабалар посбонлигида сергак турадилар, деб ишонтирди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети чуқур қайғу билан маълум қиладиларки, колхоз ҳаракатининг ветеранларидан бири Қашқадарё область Шаҳрисабз районидаги Ленин номли колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Ғани **Бобоёров** узоқ давом этган оғир касалликдан кейин вафот этди.

Ғани БОБОЁРОВ

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг таниқли ташкилотчиларидан бири, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Шаҳрисабз районидаги Ленин номли колхоз раиси, 1955 йилдан КПСС аъзоси Ғани Бобоёров узоқ давом этган оғир касалликдан кейин 1974 йил 4 ноябрда 51 ёшида вафот этди.

Ғ. Бобоёров 1923 йили Шаҳрисабз районидаги Ленинобод қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. Меҳнат фаолиятини қишлоқ хўжалигида 1940 йилдан бошлаб. Улуғ Ватан урушида қатнашди. 1956 йилдан то умрининг сўнгги кунларигача Шаҳрисабз районидаги Ленин номли колхозга раҳбарлик қилиб, колхоз ишлаб чиқаришини мустаҳкамлашга кўп куч ва қувватини сарфлади.

Ғ. Бобоёров бир неча марта Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайланди. Партия ва ҳукумат ҳнинг хизматларини юксак таҳдирлаб, Ленин, Октябрь Революциялари, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари, медаллари билан мукофотлади. Республиканинг қишлоқ меҳнаткашлари Ғ. Бобоёров сиймосида ишга чексиз садоқатли коммунистдан, сезгир ва ҳушёр ўртоқдан жудо бўлдилар.

Ғ. Бобоёровнинг ёркин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланади.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ.

БАХТИМИЗ УЧЎН КУРАШГАНЛАР

Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун актив курашган кекса революционерлар — (чапдан ўнгга) Қ. Холмуҳамедов, И. Каримов, А. Аҳмедов, Р. Шермуҳамедов, Ш. Азимов, Ҳ. Дониёрхўжаев, Н. Ризаевлар Тошкент темир йўл вокзалидаги 14 комиссар хотирасига ўрнатилган монумент ёнида.

И. Глауберзон фотоси.

ЯШАСИН ЖАҲОН ТАРИХИДА ЯНГИ ДАВР— ДУНЁНИ РЕВОЛЮЦИОН ЯНГИЛАШ, КАПИТАЛИЗМДАН СОЦИАЛИЗМГА ЎТИШ ДАВРИНИ ОЧИБ БЕРГАН УЛУҒ ОКТЯБРЬ!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

ЗАФАРЛИ ЙЎЛ

И. РАЙКОВА,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор.

Доҳий В. И. Ленин бошчилигида амалга оширилган Улуғ Октябрь социалистик революцияси мамлакатимизда буржуазия ва помещчиклар ҳукмронлигига абадий хотима берди, миллий-мустамлака зулми кишанларини парчалаб ташлади, Ватанимиз халқларининг иқтисодий ва маданиятини барқ уриб ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратди. Биз ушбу қутлуғ айёмда улуғ Ленин ғояларининг ёрқин тантанасини кўриб турибмиз. Халқлар ўртасидаги мустаҳкам ва ажралмас дўстлик, барча миллатларнинг ўзаро ҳамкорлиги бунга яққол мисол бўла олади.

Бугунги кунда биз фахр-ифтихор билан айта оламизки, Ўрта Осиёда, шу жумладан, Совет Ўзбекистонида фан, маориф ва маданиятнинг мислсиз тараққиётига доҳий В. И. Ленин, жонажон Коммунистик партия раҳнамолик қилди. Тошкентда Давлат университетининг ташкил топишида шахсан доҳийнинг ўзи ғамхўрлик қилди. Москва, Ленинград ва бошқа шаҳар олий ўқув юртларидан Ленин йўлланмаси билан келган юқори малакали ўқитувчилар, олим ва мутахассислар маҳаллий миллат фарзандларига илм-маърифат тарқатишда жонбозлик кўрсатдилар. Бу дорилфунуи миллий зиёлиларнинг катта гуруҳининг етишиб чиқишида муҳим роль ўйнади.

Октябрь инқилобига қадар ҳозирги Ўзбекистон территориясида деярли ўқув юртлари йўқ эди. Мавжуд бўлган икки-учта ўқитувчилар семинарияси асосан европаликлардан иборат бошлангич синф ўқитувчилари тайёрларди. Эндиликда республикамизда 42 та олий ўқув юрти ишлаб турибди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш керакки, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон учун юқори малакали кадрлар етиштириб бериш маркази бўлмиш Тошкентдаги университет бағридан ўн олтита турли мустақил олий ўқув юртлари ва илмий муассасалар ажралиб чиқди. Шу қутлуғ кунларда лениничи партия раҳбарлигида босиб ўтилган зафарли йўлга зўр ифтиҳор билан назар ташлар эканмиз, биз Ўзбекистоннинг ўтмишдаги қолоқликдан тараққиёт чўққиларига кўтарилганлигидан беҳад хурсандмиз.

ШАРОФАТ

Ҳабибулла АБДУЖАББОРОВ,
Бекободдаги 16-автобазанинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли шофери

Автомобиль транспортимиз ҳам ўтган йиллар ичида беқиёс даражада тараққий этди. Ҳаммага маълумки, унинг ўтмиши жуда аянчли эди. Октябрь инқилоби ғалаба қозонган дастлабки йилларда бутун Россияда бор-йўғи бир неча минг автомобиль бўлиб, унинг ҳам ярмиси ишдан чиққан эди. Ҳали мамлакатимизда автомобилсозлик саноати бўлмаганлиги сабабли чет эллардан «Рено», «Бенцов» «Опполей», «Форд» ва «Уайт» деб номланган машиналар харид қилинарди. Энди-чи? Энди советлар мамлакати ўзининг қудратли машинасозлик саноатига эга.

Автомобилсозлик корхоналаримизда яратилаётган кўп юк ва пассажир ташувчи ҳар томонлама мукаммал автомобиллар эндиликда бутун жаҳонга машҳур. Ҳозирги кунда биргина республикамизда ўнлаб автобазалар, автопарклар мавжуд. Фақат шу беш йилликда автопаркларимиз кўплаб янги хил қудратли юк машиналари, 6300 та ҳар томонлама қулай пассажир автобуслар, 8300 енгил такси автомобиллар билан бойийди. Қувончли томони шундаки, ҳозир республикада пассажирларнинг 80 процентга яқини автобусларда ташилаётир. Аҳолига енгил таксилар билан хизмат кўрсатиш бўйича Ўзбекистон Иттифоқдош республикалар ичида олдинги ўринларни эгаллаб келмоқда. Автомобиль транспортимиз эндиликда халқ хўжалигимизнинг энг муҳим тармоқларидан бирига айланди. Буларнинг ҳаммаси — шонли Октябрь революциясининг шарофатидандир.

САХОВАТ

Валентин МАМАЕВ,
Чирчиқдаги «Ўзбекхиммаш» заводининг токари:

— Ишчилар синфи — социалистик Ўзбекистоннинг суянган тоғидир, коммунистик қурилишда партия йўлини актив ўтказувчи кучдир, колхозчи-деҳқонларнинг ишончли иттифоқчиси ва таянчидир, деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев. Бу сўзлар замирида қанчалик катта маъно ётибди. Революционер ишчилар синфига, унинг мислсиз қудратига берилган бу юксак баҳо Улуғ Октябрь инқилобининг шонли 57 йиллиги катта байрам қилинаётган шу қизғин дамларда янада баланд жаранглямоқда.

Саховатли ва ижодкор ишчиларнинг матонатли меҳнати туфайли бугунги кунда Ўзбекистонда саноатнинг юздан ортиқ тармоғи вужудга келди. Жаҳонга машҳур мукаммал ва иши унумдор пахта териш машиналари, бир йўла тўрт жараённи бажара оладиган тўқимачилик дастгоҳлари, қишлоқ хўжалик экинларига ишлов берувчи культиваторлар, универсаль тракторлардан тортиб, компрессор ва ирригация машиналаригача — ҳаммаси ишчиларимизнинг қадоқ қўллари билан яратилмоқда. Ривожланган халқ хўжалигимизнинг бирор тармоғи йўқки, унда ишчиларнинг қўли бўлмасин. Ҳа, улуғ инқилоб туфайли юзага келган ишчи ва деҳқонлар бузилмас иттифоқи шарофати билан республикамиз жуда қисқа давр ичида жаҳолат ва қолоқлик ботқоғидан чиқиб, юксак тараққий этган эркин ва озод диёрга айланди.

ФАКТЛАР... РАҚАМЛАР...

✦ Хотин-қизлар республика халқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг 40 процентидан кўпроғини ташкил этади. Маориф ходимларининг ярмидан кўпроғи, соғлиқни сақлаш системасида ишлаётган ходимларнинг эса 73 проценти хотин-қизлардар.

✦ Тўққизинчи чақириқ "СССР Олий Совети составида Ўзбекистон аёлларидан 27 киши бор. Хотин-қизлардан 41 мингга яқин киши республика Олий Совети, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети ва маҳаллий Советларнинг депутатидир.

✦ Республика меҳнаткаш хотин-қизларидан 40 мингдан ортиқ киши СССР орден ва медаллари билан мукофотланган. 108 кишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган.

✦ Ҳозир республикамизда 9540 та умумий таълим мактаби бўлиб, уларда 3 миллион 646 минг киши таълим олмоқда.

✦ Ўзбекистон ССРда 42 та олий ўқув юрти ва 177 та ўрта махсус ўқув юрти бор. Улардаги студентлар ва ўқувчилар 400 минг кишидан ошади.

✦ Республика халқ хўжалигидаги жами ходимларнинг қарийб 70 проценти олий ва ўрта [тўлиқ ва тўлиқсиз] махсус маълумотли кишилардир.

✦ Республикамизда 190 га яқин илмий муассаса ишлаб турибди. Илмий ходимлар сони 28 минг кишидан ортиқдир. Улар орасида 686 фан доктори ва 9 мингдан зиёд фан кандидати, 500 дан ортиқ академик, мухбир аъзо ва профессор бор.

✦ Республикамизда 134 минг ўринли 1200 дан ортиқ касалхона, мингдаб поликлиника, амбулатория ва соғлиқни сақлаш пунктлари ишлаб турибди. Уларда 31 минг врач ва 96 минг ўрта малакали медицина ходими меҳнат қилмоқда.

✦ Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда саноатнинг юздан ортиқ тармоғида 1300 га яқин йирик корхона барпо этилди.

✦ Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 50 йил мобайнида 144 баравар ортди.

✦ Кейинги ўн йил ичида республика халқ хўжалигига 30 миллиярд сўмликдан кўпроқ, яъни шундан аввалги 40 йилдагига қараганда 2 баравар кўп капитал маблағ сарфланди.

✦ Совет Ўзбекистони хаританида 50 дан ортиқ янги шаҳарлар пайдо бўлди. Улар йирик саноат ва маданият марказларига айланди. Ҳамма қадимий шаҳарларимиз кенгайди, ёшарди ва кўркамлашди.

✦ Кейинги ўн йил ичида салкам 50 миллион квадрат метр уйжой фойдаланишга топширилди.

✦ Мирзачўлда қарийб ярим миллион гектар майдонда юқори ҳосилли деҳқончиликнинг янги йирик райони вужудга келтирилди.

ОКТЯБРЬ ҚУЁШИ

Инсонга, жамиятга биргина табиий Қуёшнинг нури, энергияси кифоя эмас. Булар ҳали коннотда таркиб топмаганида, ҳозирги шаклга келмаганда ҳам Қуёш нур сочаверган. У ўз нурини боққа ҳам, ботқоққа ҳам, фозилларга ҳам, разолатга ҳам «суриштирмай-нетмай», баравар сочаверган.

Лекин Октябрь революцияси тонгида чиққан улуғвор ва қудратли, салобатли ва ҳаётбахш Қуёш табиий Қуёшдан сира қолишмайди.

Октябрь қуёши Мурманскдан, Владивостоккача, Одессадан, Петропавловск-Камчатскгача нур сочиб, бутун мамлакатимизни мунаввар қилди; Орол денгизидан Тяньшангача, Чирчиқдан Бухорогача «сеп ёзган» серқуёш Ўзбекистонимиз Октябрь қуёшидан ҳам нур эмди. Табиий ҳаёт манбаининг ҳарорати, нури, энергияси ёнига, ижтимоий ҳаёт сарчашмаси ёнига, башарият ҳақиқий, чинакам тарихининг зарварагида биринчи саҳифа очиб берган Улуғ Октябрь қуёши ҳам келиб қўшилди. Бу буюк ходисанинг салкам 60 йиллик тарихи тараққийпарвар инсониятга социалистик революция қуёши, ҳарорати қудрати, энергияси ҳам ғоят даркор эканлигини тўла исботлади.

Халқимизда «қатрада қуёш кўринур» деган нақл бор. Октябрь қуёши ҳам бутун жаҳон меҳнат аҳллари, биринчи навбатда совет халқлари, ўзбеклар ҳаёти ва фаолиятининг ҳар бир қатрасида инъикос этиб, спектр каби товланмоқда, жило бериб дўстларимиз кўзини янада ўткир қилиб, душманларимиз кўзини жаз-жаз ачиштирмоқда.

Октябрнинг ҳаётбахш қуёши ёғдуси остида ўтган, ҳар бири асрлар салобатига, салмоғига тенг келадиган 57 йил тарихи Совет давлатининг жаҳонда энг қудратли давлатга айланиш тарихидир, камолатга етиш, девкор қадамлар билан коммунизм сари олға бориш тарихидир.

Халқимизнинг асл фарзандлари — улуғ мутафаккир ва ёзувчилар, шоир ва шифокорлар ўз замондошлари ва авлодлари барча социал иллатлардан, қабоҳат ва разолатлардан, хуллас «тарих супуриндилари»дан халос бўлган озод, фаровон, тинч, бахтиёр, маданиятли ҳаёт кечирадиган замонлар ҳақида кўп асрлар орзу-умид қилганлар. Бироқ, Октябрь революциясига қадар улар: «Эҳ, хаёллар, ишингиз учини топармиканмиз». «Эҳ, орзулар, лаззатингизни сурсак эди!» деб кўз юмиб кетдилар. Октябрь қуёши, марксизм зиёси, партиямиз заковати, ленинизм даҳоси Россия ишчилар синфига қараб: умидсизлик ўйини бузсанг умидингга етасан, деб нидо қилди. Бу нидога у лаббай деб жавоб берди ва қўлига қизил байроқ, жанговар қурол олиб жангу-жадалга киришди, ғалаба манзилига зафар қучиб етиб келди.

Ўзбек халқи ким эди, ким бўлди дейсизми? У фақир эди, давлатманд бўлди; у тутқин эди, эркин бўлди; Алишер Навоий айтганларидек, занжирбанд шер, енгаман дер эди; енгди, занжирларни тилка пора қилди; у таҳқирланган эди, даҳлсиз бўлди; ғаму-андуҳдан қадди обкаш бўлган эди, бўйбастини ростлаб олди. Хуллас, чўпон қизи Санобар Абураҳмонова қуйлагандек, «эртакда ҳам топилмайди бу ўлка».

Ўзбек халқи Октябрь қуёшидан нур эмиш бахтига биргина ўз кучи билан мушарраф бўлмади. Бу қуёшнинг болқиб чиқишида улуғ рус халқининг, биринчи навбатда илғор рус ишчиларининг роли, аҳамияти, салмоғи, ғоят улкан бўлди. У Октябрь революцияси учун қурашнинг олдинги сафида мардонавор олға бориб, яловбардор бўлди; ўз биродарларига, кичик оғаси — ўзбек халқига тажриба, йўл, намуна кўрсатди.

Буржуа Ғарбига индустриалаштириш учун 150 йил керак бўлган эди. Ўзбекистон ССР ва қўшни Совет республикалари бу ишни Октябрь қуёши ёритган социалистик система туфайли, бўлмоқчилик меҳнати билан 30 йилда бажардилар.

Энди Ўзбекитонда саноат маҳсулотларидан нималар ишлаб чиқарилаётир деб эмас, хозирча нималарни ишлаб чиқармаётир деб савол бериш жоиздир: унисидан кўра бунисига жавоб бериш осонроқ бўлиб қолди. Утган ярим аср мобайнида республика саноат маҳсулоти 144 баробар кўпайди!

Трубалари осмон ўпар 1300 дан зиёд улкан корхоналари бор бўлган индустриалашган Ўзбекистоннинг улуғвор салобатини, дев қадамини ёрқин ҳис этмаётган ким бор! Унинг 100 дан ортиқ турдаги мустаҳкам ва кўркам, чидамли ва ёқимли, оромбахш ва шифобахш маҳсулотларидан фойдаланмаётган совет киши камдан-кам, уларни харид қилаётган давлатлар сони 80 дан ошиб кетди. Истиқбол режаларига кўра 10-беш йилликда уларнинг сони 100 га етармиш.

Оталар сўзи—ақлнинг кўзи дейдилар. Улар рўзингни сот, рўшнолик ол, деб тайинладилар. Шунга амал қилиб, биз электр қуввати ҳосил этишга миллионлаб маблағ ва ишчи кучи сарфладик. Оқибатда электр энергияси ишлаб чиқариш 1913 йилдагига қараганда 7100 баробардан зиёд кўпайганлигини эшитганда ҳатто ташқи муҳолифларимиз ҳам беихтиёр офарин ва тасанно деб юборсалар керак. Илгарилари кечалари зимзиёликка чўккан, ташландиқ 13 шаҳар бор бўлса, энди шомдан субҳидамгача чарақлаб, ҳаёти қайнаб турадиган қарийб 70 шаҳар гуркираб ўсяпти.

Қишлоқ хўжалиги учун айниқса кўп қуёш кераклигини ҳамма билади. Революциямиз туфайли «Ой боқса ҳам деҳқонга боқсин, кун боқса ҳам деҳқонга боқсин» деган янги мақол пайдо бўлди. Кўрибсизки, эски мақол ва ҳикматлардан айримлари ҳам шароит, вақт ва ўрин тақозоси билан ўз шакли, моҳо мазмунини ўзгартирмоқда.

Табиий ва сунъий қуёшларни жилоланиб, зеболаниб, товланиб инъикос этдираётган сунъий денгизлар ва «қўл бола» дарё—каналлар, қудуқ ва серсув булоқлар ўлкамиз ҳуснига ҳусн қўшмоқда, еримиз, диёримиз томирига қон юритиб, асрлар давомида қақраган чўлларни, хансираган даштларни, торс-торс ёрилиб ётган тақир ерларни оби-ҳаётдан баҳраманд қилмоқда. Шулар туфайли ҳам бўлса керак, бу йилги сув таҳчислиги пировардида ёмон бўлмади. Илгари миллион-миллион деган рақамларни айтишга тили келмаган оддий деҳқонларимиз «5 миллион тоннадан зиёд пахта етиштирдик» деб бурро-бурро гапирадиган бўлиб қолди. Иши беш бўлса, тили чўрт кесар бўлади, деб шуни айтсалар керак.

Улуғ Октябрь қуёшининг ҳаётбахш энергияси ва машъалдек нури биз совет халқини ёпасига саводхон, жаҳонда энг маданиятли, илғор, истеъдодли, ақли расо, инсонпарвар, дўстликка садоқатли, ёвузлик ва ёмонликка шафқатсиз қилиб ўстирди. Шуни айтиш кифояки, ҳозир республикамизда 1 миллионга яқин ўрта ва олий маълумотли зиёли, 28 мингдан зиёд илмий ходим бор. Ҳозирги 400 минг студент, 3,5 миллион ўқувчи эртаги зиёлилардир. Ҳолбуки, 1918 йили бутун республикада Норбўтабеков Эрбўтабек исмли биргина олий маълумотли мутахассис бор эди.

Улуғ Октябрь қуёши билим, фан-техника, зиёсидан ҳаммани баҳраманд қилиб, жаҳолат, хурофот ва бидъат шишасини чил-чил қилди.

Билимсиз кишиларнинг кўнгли динга, хурофотга мойил бўлади. Билимдонлар, меҳнатсеварлар қудратли бўлиб, ғайри табиий кучлардан мадад, нажот кутмай, ўз тақдирларини ўзлари меҳнат қилиб, қурашиб, ўқиб, тарбияланиб топадилар.

Маънавий тараққиётимиз ленинча миллий сиёсат силсиласининг реал мўъжизасидирким, бунга ҳам ҳамма қойил қолмоқда. Мана эшитингчи, Япония жамоат арбоби Тосма Тонака бу ҳақда японларга хос эҳтиром ва ҳавас билан нима дейди: «Мен ўзбек халқининг замонавий маданияти билан танишар эканман, унинг мазмунан социалистик бўлган маданияти кўп асрлик миллий анъаналарни давом эттириб, ўзининг миллий шаклини сақлаб қолишини мамнуният билан қайд этдим». «Ўзбекистон, — дейди Шри ланкалик ёзувчи К. М. Сирисена, — социалистик тузумнинг қудрати ва улуғворлиги билан ажойиб таассурот туғдиради».

Октябрь революцияси француз публицисти Марсель Эгрето ибораси билан айтганда, шу ҳақиқатни исботладики, «бирорта ҳам мустамлака давлати эски тузумнинг иқтисодий илдизларини қўпориб ташламай, ўзининг тақдирига ҳақиқий хўжайин бўла олмайди». Совет Шарқи бунга яққол мисолдир. Биз ана шу Совет Шарқининг намоёндалари йирик совет олимлари билан Францияга, сўнгра Мисрга борганимизда Дўстлик жамиятларининг йиғилишларида қатнашдик. Шуларда Улуғ Октябрь қуёшининг ҳаётбахш нур ва энергияси юзага келтирган мўъжизалар солномаси ҳақида сўзлаганимизда, тасанно ва офаринлар дедилар; ҳайратда қолиб, қани энди, шундай қуёш бизга ҳам боқса деб умид қилдилар. Совет Ўзбекистонида ярим асрда саноат маҳсулоти 140 дан зиёд марта ўсди, ишсизлар йўқ, саводсизлик аллақачон тугатилган, аҳолининг ҳар тўрт нафаридан бири ўқимоқда, юз минглаб студент, миллионлаб бола ўқимоқда деганимизда залдагилар офарин, «шукран суфити» (советларга раҳмат) деб юбордилар.

Зар қадрини заргар билади, чилангар темирни билади деганларидек, бизнинг қадримизни биладиган, бизга эргашадиганлар кўп. Шулардан бири жафокаш Уругвай Компартиясининг биринчи секретари Р. Арисменди ғаппинг индаллосини айтди: «Биз Ўзбекистон тимсолида қурбонлар ва машаққатларга қарамай ўзининг озодлиги учун қаҳрамонона курашаётган Уругвай халқининг эртанги кунини кўрдик. Сизларнинг муваффақиятингиз, Октябрь муваффақиятлари бизнинг ғалабага бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди».

Октябрь тонгида таваллуд топган Совет давлати бутун тараққиётпарвар башариятнинг умид-орзуси, таянчи ва раҳнамоси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади; ер юзидаги барча меҳнат аҳлларининг социал прогресс, тинчлик ва социализм учун курашларида илҳом сарчашмаси бўлиб қолажак.

Улуғ Октябрь қуёши бахтимизга ҳамиша нур сочиб, йўлимизни ёритиб, бахту иқболимизни яшнатиб, ҳаётимизни фаровон, истиқболимизни порлоқ этаверсин! Совет халқини, бутун инсониятни коммунизмга томон боришида авангард, байроқдор, ялавбардор қиласверсин, бизга ҳамкор, елкадош, йўлдош, ҳамроҳ бўлган хорижий биродарларимизнинг манзилини ҳам нурафшон этаверсин.

Абдураҳмон ОРТИҚОВ,
профессор.

РАСМИЙ ХАБАРЛАР

БАЙРАМНИ МУКОФОТ БИЛАН КУТИБ ОЛИШДИ

Республика ташкилотларининг ходимлари Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 57 йиллиги арафаси, 5 ноябрда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети мажлислар залига тўпландилар. Уларга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг юбилей фахрий ёрлиқлари тантанали вазиятда топширилди. Улар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини нишонлаш муносабати билан тақдирланган эдилар.

Мукофотларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов топширди. У мукофотланганларни уларнинг меҳнатига берилган юксак баҳо билан, республика юбилейи ва кўп миллатли Совет давлати ташкил этилганлигининг 57 йиллиги билан самимий муборакбод қилди. (ЎзТАГ).

ДЎСТЛИК, БИРЛИК, ЖИПСЛИК

ГДР ташкил этилганлигининг 25 йиллигига бағишланган тантаналар тўғрисида 4 ноябрда марказий телевидение орқали кўрсатилган янги ҳужжатли фильм немислар диёрида ишчи ва деҳқонларнинг биринчи давлати — Германия Демократик Республикасининг босиб ўтган шонли йўли ҳақида ҳикоя қилади.

Фильм Германия Бирлашган социалистик партиясининг раҳбарлари ва республика ҳукумати, мамлакатнинг барча меҳнаткашлари юбилей тантаналарига келган КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневни самимий меҳмондўстлик ва илиқ вазиятда кутиб олганлигини тасвирлайди. Кинокадрларда Берлинда бўлиб ўтган тантанали мажлисда ўртоқ Э. Хонеккер билан Л. И. Брежнев нутқ сўзлаган мароқли вазият, Леонид Ильич Брежневга ГДРнинг олий мукофоти — Карл Маркс ордени топширилганлиги тасвирланган. Томошабинлар экранда машъал қўтарган немис ёшларининг юришини кўрдилар. Бу юриш ишчилар синфи ва унинг марксчи-лениничи партияси ишига садоқат намойишига айланган эди.

Фильм ГДР меҳнаткашларининг янги ҳаёт қуришда эришган муваффақиятларини, Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикаси халқларининг, барча социалистик ҳамдўстлик халқларининг мустаҳкам дўстлигини намойиш қилади.

(ТАСС).

БУТУНИТТИФОҚ МУСОБАҚАСИНИНГ ҒОЛИБЛАРИ

Октябрь байрами арафасида Тошкентга Ўзбекистон қурилиш ташкилотлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлар тўғрисидаги хабар келди.

Учинчи кварталдаги иш якунлари бўйича «Ўзбекшахтострой», «Сельтрансспецстрой», «Ташсантехгазмонтаж» трестлари, 8, 26 ва 163-қурилиш трестлари, 2-темирбетон буюмлар заводи, 173-механизациялаштирилган қўчма колонна ,Ангрен керамика комбинати, Қувасой цемент комбинати ва Ғазалкент тош йўниш комбинати СССР қурилиш, қишлоқ қурилиши, монтаж ва махсус қурилиш ишлари, бинокорлик материаллари саноати министрликлари ҳамда қурилиш ва бинокорлик материаллари ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқларига сазовор бўлдилар. (ЎзТАГ).

М. И. КАЛИНИНГА ҲАЙКАЛ

АНДИЖОН, 4 ноябрь. (ЎзТАГ). М. И. Калинин номли Андижон медицина институти клиник касалхонасига кираверишда жойида В. И. Ленининг энг яқин сафдошларидан бири — Михаил Иванович Калинин ҳайкалини очиш маросими бўлиб ўтди.

Митингда сўзга чиққан нотиқлар М. И. Калининнинг кўп миллатли совет давлатини барпо этиш ва ривожлантиришда катта роль ўйнаганлиги ҳақида гапирдилар.

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ ПАХТАКОРЛАРИ ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИНИ БАЖАРДИЛАР

ЯРИМ МИЛЛИОН ТОННАЛИК ПАХТА ХИРМОНИ

С. ҲАМРОҚУЛОВ,
меҳнаткашлар депутатлари Самарқанд область Совети ижроия комитетининг раиси.

Областимиз пахтакорлари КПСС XXIV съезди қарорларини бажара бориб, республикамизнинг олтин тўйи шарафига социалистик мусобақани қизғин авж олдириб, улкан зафар қучдилар. Давлатга пахта сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни ошириб бажардик. Пахтакор хўжаликларимизнинг бу йилги хирмони ярим миллион тоннадан ошиб кетди. Самарқанд деҳқончилик тарихида бундай марра биринчи марта эгаллади.

Ғалаба рапортига сиричиклаб назар ташлаганда бири-биридан завқли рақамларни кўрамиз. Ҳозиргача тайёрланган пахта халқ хўжалик планидагига нисбатан эллик беш минг тонна, ўтган йилгидан 26 минг тонна кўп. Шу ҳосилнинг 310 минг тоннаси ёки 62 процента «зангори кема»лар бункеридан тўкилди. Пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги 28.8 центнерни ташкил қилди. Областимизнинг барча районлари, аксарият хўжаликлари, совхозларнинг бўлимлари, бригадалар пахта тайёрлаш планларини муддатидан аввал бажариб, ялпи ҳосилнинг анча ўсишини таъминладилар.

Пахтачи райони юбилей йилида пахтакорларнинг карвонбошиси бўлди. Район деҳқонлари фақат халқ хўжалик планини эмас, социалистик мажбуриятни ҳам областда биринчи бўлиб адо этдилар. Районнинг кўпгина хўжаликлари уста пахтакорлар рўйҳатидан мустаҳкам ўрин олдилар. Жумладан, К. Маркс номли колхозда пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги гектарига 48 центнерни ташкил қилди. «Коммунизм», Охунбобоев номли, Калинин номли, Киров номли, «Пахтакор», «Самарқанд» колхозлари ўтган йилларга нисбатан ҳосилдорликни кескин оширдилар.

Областимиз меҳнат ғалабасига Нарпай, Каттақўрғон, Хатирчи, Иштихон, Пайариқ районлари ҳам салмоқли ҳисса қўшдилар.

Ҳозиргача тайёрланган пахтанинг деярли ҳаммаси юқори сортларга қабул қилинди. Бу билан колхоз ва совхозларимиз экономикасини мустаҳкамлаш йўлида дадил қадам қўйилди.

Беш йилликнинг белгиловчи йили энди бошланган кезларда Пахтачи районидаги бир группа юқори ҳосилли бригадаларнинг бошлиқлари областимиздаги барча бригадаларга мурожаат қилиб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини 50 центнерчилик ҳаракатини оммавий тус олдириш билан нишонлашга чорлаган эдилар. Бу ташаббус область партия комитети ва область Совети ижроия комитети томонидан маъқулланди.

Хатирчи районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг машҳур пахтакори Чори Йўлдошев саккиз йилдан бери Мингтут массивида ўзлаштирилган ерларда деҳқончилик қилади. Бригада коллективи бу йил айниқса жонбозлик билан меҳнат қилди. Бригада рекорд ҳосил етиштириб, гектаридан 60 центнердан пахта йиғиб-териб олди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бугун биз Нарпай районидаги «Иттифоқ» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Туробов, Пахтачи районидаги Карл Маркс номли колхознинг Файзулла Шомуродов, Свердлов номли колхозда Мели Тоғаев, «Самарқанд» колхозидан Норқул Қурбонова, Охунбобоев номли колхоздан Раҳмон Ризуқулов, Калинин номли колхоздан Яхшибой Авғонов, Пастдарғом районидаги Карл Маркс номли колхоздан Бойтўра Кўмаков, Мели Қўчқоров, Оқдарё районидаги «Даҳбед» совхозидан М. Султонова бошлиқ бригадаларнинг меҳнат жасоратини фахрланиб қайд қиламиз. Улар пахтачиликда илғор тажриба, фан ютуқларидан баракали фойдаланиш намуналарини кўрсатмоқдалар.

Бу йил мавсумда пахта йиғим-теримини машиналаштириш учун курашда кескин бурилиш даври бўлди. Колхоз ва совхозларнинг далаларида 2471 машина жавлон урди. Ҳар бир машинанинг ўртача иш унуми 129 тоннадан тўғри келди. Бу сафар ҳам СССР Олий Совети депутати, Пахтачи районидаги Калинин номли колхознинг механик-ҳайдовчиси Бобошер Шавқиев дала гвардиячиларининг яловбардори бўлди. У мавсум давомида машина бункеридан хирмонга 700 тоннадан ошиқроқ пахта тўкди.

Хатирчи районидаги «Москва» колхозидан Ҳамро Эрназаров, шу райондаги «Партия XXII съезди» колхозидан Насибали Тўрақулова, Иштихон районидаги «Меҳнат-роҳат» колхозидан Эргаш Файзиев, «Янгикент» совхозидан Исмат Ботиров, Нарпай районидаги Ленин номли колхоздан Ўроқ Эшназаров, Пайариқ районидаги «Ленинизм» колхозидан Раббим Қудратов, Пахтачи районидаги Охунбобоев номли колхозидан Аҳтам Абсаотов, шу райондаги «Коммунизм» колхозидан Эшқувват Маҳмудов, Рўзиқул Умаров, Бобоназар Оллаёров, Каттақўрғон районидаги орденли «Пролетарий» колхозидан Саъдулла Ёдгоров, шу райондаги «Правда» колхозидан Саъдулла Розиқов сингари механизаторларимиз 350-400 тоннадан пахта териб беришди.

Пахта теримини механизациялаш учун курашда Иштихон, Пахтачи, Каттақўрғон, Пайариқ, Хатирчи, Нарпай районлари юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу йилги ҳосил жуда зўр қийинчиликлар билан қўлга киритилди. Баҳор кеч келди. Бунинг устига, апрель ва май ойларида тинимсиз сел, ёмғир, жала ёғиб турди. Область бўйича чигитнинг 33 процентини қайта экишга мажбур бўлдик. Жомбой, Оқдарё, Булунғур, Пайариқ районлардаги кўпгина хўжаликлар катта майдонларда чигитни икки-уч марта такрор экдилар. Ёзда Зарафшон дарёсида сув кам бўлди. Сув танқислигини олдини олиш учун партия ва ҳукуматимиз кўрсатган бебаҳо ёрдамга таяниб янги қудуқлар қазидик, қудратли насослар ёрдами билан зовурлар сувини далаларга оқиздик.

Областимизнинг партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш, янги ерларни ўзлаштириш, алмашлаб экишни қатъият билан жорий этиш, техникадан, минерал ва маҳаллий ўғитлардан баракали фойдаланиш юзасидан талайгина тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширмоқдалар.

Областимиз қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам тараққиёт одимлари равшан кўриниб турибди. Барча колхоз ва совхозларимиз пилла, сабзавот, мева, гўшт, сут, тухум, жун, тамаки етиштириш ва тайёрлашни кўпайтирдилар. Бу йил давлатга 60 минг тонна ғалла сотдик. Айниқса шоли, маккажўхоридан мўл ҳосил олинди.

Яқинда область партия комитетининг кенгайтирилган бюро мажлиси бўлиб ўтди. Унда жами ҳосилни тўла-тўкис йиғиб олиш, дала ишларини конвейер усулида ташкил этиш, кузги-қишки ишларни барвақт тамомлашнинг зарур тадбирлари белгиланди.

Самарқанд областининг қишлоқ хўжалигини янги чўққиларга кўтариш учун қўлимиздан келган ишни аямаймиз, она-Ватанни баракали ҳосил хирмонлари билан хушнуд этамиз.

Самарқанд области пахтакорларининг меҳнат зафарига ўз ҳиссаларини қўшган пахтазор марди-майдонлари: 1. Иштихон районидаги «Иттифоқ» колхозининг илғор механизатори Турсуной Нуриллаева терим қизиган пайтларида ўз агрегати билан 10-12 тоннадан «оқ олтин» терди. Колхоз партия ташкилоти секретари Раззоқ Жўраев Турсуной Нуриллаевага вимпель топширяпти. 2. Пахтачи районидаги К. Маркс номли колхозининг 50 центнерчи бригада бошлиғи Жўрақул Қудратов. 3. Иштихон районидаги «8 Март» колхозининг пешқадам механизатори СССР Олий Совети депутати Олим Ботиров.

Н. Добринов фотолари.

ТОШКЕНТ ГАРНИЗОНИ БОШЛИҒИНИНГ БУЙРУҒИ

1974 йил 4 ноябрь
№ 85

Тошкент шаҳри

1974 йил 7 ноябрь паради тўғрисида

§1.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 57 йиллигини нишонлаш юзасидан 1974 йил 7 ноябрда соат 10 да Тошкент шаҳридаги В. И. Ленин номли майдонда Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг парадини ўтказиш белгиланган.

Парадни Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал полковник С. Е. БЕЛОНОЖКО қабул қилади.

Парадга командирлик қилиш менга буюрилган.

Кийим формаси — ёзлик, парад формаси.

§ 2.

Қисмларнинг командирлари линейниларни юборсинлар ва қўшинларни тасдиқланган расчетга мувофиқ равишда белгиланган вақтда парадга олиб чиқсинлар.

§ 3.

Артиллерия салюти менинг кўрсатмамга биноан берилсин.

§ 4.

В. И. Ленин номли майдонда тартибни сақлаш юзасидан умумий раҳбарлик қилишни Тошкент шаҳри гарнизони коменданти полковник И. Д. Мацюга топшираман.

Округ қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари, Тошкент гарнизонининг бошлиғи генерал-лейтенант Ю. МАКСИМОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — МОСКВА. 18.30 — Ёшлар ижоди. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Концерт. 19.55 — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 57 йиллигига бағишланган тантанали мажлис ва концерт. 23.30 — Футбол: «ДИНАМО» (Москва) — «ДИНАМО» (Дрезден). 00.15 — «Вақт». ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.30 — ТОШКЕНТ. 10.50 — Ёш киноҳаваскорлар клуби. 11.50 — Телефильм. 18.30 — Сени шарафлаймиз, Октябрь. 19.10 — Октябрга меҳнат совғаларимиз. 19.30 — Узбекистоним (бадиий ўқиш). 19.50 — «Ахборот». 20.10 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 20.40 — «Ахборот». 21.00 — Ватан, партия ва меҳнат ҳақида қўшиқлар. 21.30 — Инқилоб тонги (спектакль). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатуви. 20.10 — «Тошкент» телепрограммаси. 20.50 — Тошкент янгиликлари. 21.15 — Киноконцерт.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/XI да, Оқшомдан тушгача, 7/XI да Олтин девор (11.00), Аяжонларим (15.00), Парвона (19.30 да), 8/XI да Иўқолган узук (11.00, 15.00), Олтин девор (19.30 да).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/XI да Жоним фидо, 7/XI Ўжарлар (кундуз соат 12 да), Концерт (16.00 да), Олифта (кеч 19.30 да), 8/XIда Олифта (12.00), Концерт (16.00 да), Ҳижрон (18.30 да).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ЮРИЙ ДУРОВ иштирокидаги «ДУСТЛИК ҚАНОТИДА» цирк коллективининг хайрлашув гастроллари.

КИНО

Чанитанинг бўсаси — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Танишув — «ДРУЖБА» (14.00, 18.00, 21.30), «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Шаҳзода Проша — «ДРУЖБА» (10.20, 12.00, 16.00, 20.00), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ҳур қизлар — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА 6, 9 НОЯБРЬ КЕЧ СОАТ 8 ДА ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ХАЛҚ РАҚС «Баҳор» ансамблининг

КОНЦЕРТИ

Концертда: Бахтиёр ЙЎЛДОШЕВ, Жўрахон РАҲИМОВ, Ҳайрулла ЛУТФУЛЛАЕВЛАР қатнашадилар.

Ансамблнинг бадиий раҳбари — СССР халқ артисти Мукаррама ТУРҒУНБОЕВА.

Программада жаҳон халқлари рақслари.

БИЛЕТЛАР СОТИЛМОҚДА.

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

Самарқанд области қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига амалий иш билан жавоб бериб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақани кенг авж олдириб, Улуғ Октябрнинг 57 йиллиги арафасида давлатга пахта сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни бажардилар.

Область колхозлари ва совхозлари сув танқис бўлган йилнинг мураккаб об-ҳаво шароитларини ва катта қийинчиликларни енгиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар, техникадан юқори унум билан фойдаланиб, йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар ва тайёрлов пунктларига биринчи марта 500 минг тонна пахта етказиб бердилар. Бу, халқ хўжалик планида кўзда тутилганидан 35 минг тонна кўпдир. Етиштирилган ҳосилнинг 90 процентдан кўпроғи биринчи сортларга топширилди. 308 минг тоннадан ортиқ, ёки жами тайёрланган ҳосилнинг қарийб 62 процента пахта териш машиналари билан йиғиштириб олинди.

Бу муваффақиятларга қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама интенсивлаш асосида уни янада юксалтириш юзасидан КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан программа изчиллик билан амалга оширилганлиги, Самарқанд области пахтакорлари, механизаторлари, ирригаторларининг фидокорона меҳнати ва юксак маҳорати, партия, касаба союз, комсомол ташкилотларининг, совет ва қишлоқ хўжалиги органларининг яхши ташкилотчилик ва сиёсий иш олиб борганликлари натижасида эришилди.

Бу ажойиб меҳнат ғалабасига областнинг барча районлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Пастдарғом районининг хўжаликлари давлатга 62 минг тонна, Пайариқ райони — 61,6 минг тонна, Каттақўрғон райони — 59,8 минг тонна, Иштихон райони — 59,3 минг тонна, Пахтачи райони — 56 минг тонна, Хатирчи райони — 54,2 минг тонна, Нарпай райони — 49,1 минг тонна, Оқдарё райони — 44,8 минг тонна, Жомбой райони — 42,1 минг тонна, Булунғур райони — 16,1 минг тонна ва Самарқанд райони — 3,1 минг тонна пахта топширдилар.

Пахтачи ва Самарқанд районларининг пахтакорлари давлатга «оқ олтин» сотиш юзасидан юбилей йили социалистик мажбуриятларини областда биринчи бўлиб бажардилар.

Пахтачи районидаги К. Маркс номли, Киров номли, «Пахтакор», «Самарқанд», «Коммунизм», Охунбобоев номли, Нарпай районидаги «Иттифоқ», Пастдарғом районидаги К. Маркс номли колхозларнинг меҳнатчилари ҳар гектар ердан 37-48 центнердан пахта йиғиштириб олиб, энг юқори ҳосилдорликка эришдилар.

Пастдарғом районидаги К. Маркс номли колхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бойтўра Кўмаков, Хатирчи районидаги «XXII партсъезд» колхозидан Чори Йўлдошев, Пахтачи районидаги Киров номли колхоздан Азим Эшпўлатов, «Пахтакор» колхозидан Ойзода Дўстматова, «Самарқанд» колхозидан Норхол Қурбонова, Пастдарғом районидаги К. Маркс номли колхоздан Бекмурод Ҳолмуродов ва бошқа пахтачилик усталари бошқарган бригадаларнинг коллективлари ҳар гектар ердан 50-60 центнердан ва ундан ортиқ пахта териб олиб, энг юқори ҳосилдорликка эришдилар.

Шонли механизаторлар областнинг меҳнат ғалабасига катта ҳисса қўшдилар. Социалистик мусобақа илғорлари, пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари СССР Олий Советининг депутати Бобошер Шовқиев, Ҳамро Эрназаров, Аҳмад Абсахатов, Жўрақул Мехлиев, Исмат Ботиров, Эломон Қодиров, Наибали Тўрақулова, Усмон Эшназаров, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Қарши Қудратов ва кўплаб бошқа механик-ҳайдовчилар пахта териш машиналарида юксак унумдорликка эришдилар ҳамда 300-500 тоннадан ва ундан ҳам ортиқ пахта териб бердилар.

Шаҳарлар ва район марказларининг меҳнаткашлари, студентлар ва ўқувчилар катта ёрдам кўрсатишди.

Область пахтакорлари пахта териш ва давлатга топширишни давом эттира бориб, куч-ғайратларини етиштирилган бутун ҳосилни йиғиштириб олишга қаратмоқдалар. Область деҳқонлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, мажбуриятга қўшимча равишда давлатга яна камида 30 минг тонна пахта топширишга аҳд қилдилар.

Ҳозирги вақтда областнинг барча хўжаликларида чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказиш ва 1975 йил ҳосилига мустаҳкам замин яратиш тадбирларини амалга ошириш юзасидан қизғин иш олиб борилмоқда.

БУНКЕРДАН—ПУНКТГА!

Кўп эмас, бундан беш-олти йил бурун пайкаллардан териб олинган пахта аввал хирмонга тўдаланар, қуритилиб қанорларга жойланар, кейин қабул пунктига жўнатиларди. Бу ишда қанчадан қанча кишн банд бўларди. Энди, йиғим-теримда қоп-қанордан бутунлай воз кечилди. Машинада терилган пахта тележкаларга тўкилиб, тўғри қабул пунктига жўнатилмоқда. Бир трактор бир неча тележкаларни тиркаб, пахта ташиётир. Ҳар бир бригадада шундай тележкалар сони кўпайтирилиб, иш унуми оширилди. Агрегатлардан мумкин қадар самарали фойдаланиш тадбирлари кўрилди. Кунлик ва смена нормаларини тўла ҳамда ошириб бажариш учун қулайликлар яратилди. Биз бункер тўлгандан кейин пахтани дала четидаги тележкаларга бўшатиб, ишни тезлаштирмоқдамиз.

Мен ўтган йилги мавсумда икки қаторли агрегат билан 250 тонна пахта тергандим. Юбилей йилида иш унумини анча оширдим. Ҳозиргача машина бункеридан 350 тонна пахта тўкдим. Нияти м — 400 тоннадир. Бунга, албатта, эришаман.

Қ. ҚУДРАТОВ,
Пайариқ районидаги «Ленинизм» колхозининг механик-ҳайдовчиси Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

ГЕКТАРИДАН 60 ЦЕНТНЕРДАН

Кўп йилларидан бери бригада бошлиғи бўлиб ишлайман. Бригадамизда пахтадан муттасил юқори ҳосил етиштириб келмоқдамиз. Меҳнатимга яраша обрў-эътибор топмоқдаман. Икки марта Ленин ордени ва ўтган йили Октябрь Революцияси ордени билан тақдирландим. «Волга» енгил машинаси билан мукофотландим. Бригадамиз аъзолари фаровон турмуш кечирмоқдалар.

Меҳнатимиз шу қадар юқори даражада баҳоланиши бизни янги ғалабаларга руҳлантирди. Белгиловчи йилнинг эрта кўкламидан ок енг шимариб ишга киришдик. Чигит экиладиган ерларга ҳар йилдагидан кўп маҳаллий ўғит, кўй қийи солдик. Чигитни тез, хатосиз ундириб олдик. Яганалашни қисқа муддатда ўтказиб, ҳар бир картада ва эгатда ғўза туплари тўла бўлишига эришдик. Ғўзани сифатли парвариш қилиб, хусусан ердан тежамкорлик билан фойдаланиб, юқори ҳосил етиштирдик. Бугунгача 74 гектар ернинг ҳар гектаридан 60 центнердан пахта топширдик. Ҳосилдорлик икки баравар юқори бўлди.

Ч. ЙЎЛДОШЕВ,
Хатирчи районидаги «КПСС XXII съезди» колхозининг бригада бошлиғи.

ФАКТЛАР... РАҚАМЛАР...

✦ Самарқанд области пахтакорлари она-Ватанга ярим миллион тонна «оқ олтин» армуғон қилдилар. Область деҳқончилик тарихида бундай марра биринчи марта эгалланди.

✦ Область пахтазорларида 2471 та «зангори кема» жавлон урди. Бу агрегатлар билан жами пахтанинг 62 проценти ёки 310 минг тоннаси терилди.

✦ Пахтачи районидаги Калинин номли колхознинг механик-ҳайдовчиси, СССР Олий Совети депутати Бобошер Шавқиев бу йил ҳам дала гвардиячиларининг яловбардори бўлди. У мавсумда ўз агрегати бункеридан 720 тонна «оқ олтин» тўкди.

✦ Область ғаллакорлари эл хирмонига 60 минг тонна ғалла тўкиб, йиллик планни бажардилар.

✦ Пилланорлар давлатга пландаги 2314 тонна ўрнига 2496 тонна «қумуш тола» армуғон этиб, йиллик планни 107,9 процент адо этдилар.

✦ Чорвадорлар қабул пунктларига пландаги 50759 тонна ўрнига 55116 тонна сут етказиб бериб, планни ошириб бажардилар.

✦ Область сабзавотқорлари шаҳарликлар дастурхонига 132210 тонна ўрнига 157780 тонна сабзавот тортиқ қилиб йиллик планни 119,3 процент адо этдилар. Шунингдек, пландаги 11330 тонна ўрнига 13902 тонна картошка топширилди.

✦ Боғбонлар пландаги 18655 тонна ўрнига 27936 тонна хўл мева етказиб бериб, планни 149,8 процент уддаладилар.

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажарган қуйидаги районлар республика «ХУРМАТ ТАХТАСИ»га ёзилсин:

Поп райони — район партия комитетининг секретари Ўрток Омонов, район ижроия комитетининг раиси Ўрток Холдоров, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Ўрток Маҳмуджонов, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Ўрток Долимов, суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи Ўрток Бўриев, район комсомол комитетининг секретари Ўрток Сайдова.

* * *

Гагарин райони — район партия комитетининг секретари Ўрток Бердиев, район ижроия комитетининг раиси Ўрток Тоғаев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Ўрток Мирзаев, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Ўрток Раҳимов, суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи Ўрток Шўтбоев, район комсомол комитетининг секретари Ўрток Абдураимова.

* * *

Шеробод райони — район партия комитетининг секретари Ўрток Туропов, район ижроия комитетининг раиси Ўрток Таллиев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Ўрток Алибоев, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Ўрток Сувонов, суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи Ўрток Урозов, район комсомол комитетининг секретари Ўрток Худоёрова.

* * *

Тошлоқ райони — район партия комитетининг секретари Ўрток Маҳмудов, район ижроия комитетининг раиси Ўрток Абдураҳмонов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Ўрток Ҳасанов, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Ўрток Колесников, суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи Ўрток Умаров, район комсомол комитетининг секретари Ўрток Ортиғалиев.

* * *

Бувайда райони — район партия комитетининг секретари Ўрток Ҳайдаров, район ижроия комитетининг раиси Ўрток Мирахмедов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Ўрток Маматқулов, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Ўрток Қулматов, суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи Ўрток Асқаров, район комсомол комитетининг секретари Ўрток Шамсиддинов.

* * *

Пайариқ райони — район партия комитетининг секретари Ўрток Йўлдошев, район ижроия комитетининг раиси Ўрток Тагиров, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Ўрток Бойзоқов, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Ўрток Паткулин, суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи Ўрток Эгамқулов, район комсомол комитетининг секретари Ўрток Эшқувватов.

* * *

Булунғур райони — район партия комитетининг секретари Ўрток Хўжақулов, район ижроия комитетининг раиси Ўрток Омонбоев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи вазифасини ижро этувчи Ўрток Қаршиев, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Ўрток Шабазов, суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи Ўрток Сувонқулов, район комсомол комитетининг секретари Ўрток Турсунова.

* * *

Оқдарё райони — район партия комитетининг секретари Ўрток Хидиров, район ижроия комитетининг раиси Ўрток Ҳабибов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Ўрток Бобоев, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Ўрток Эрманов, суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи Ўрток Крючнов, район комсомол комитетининг секретари Ўрток Довутқулов.

* * *

Жомбой райони — район партия комитетининг секретари Ўрток Худойбердиев, район ижроия комитетининг раиси Ўрток Файзиев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Ўрток Яхёев, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Ўрток Жамилов, суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи Ўрток Нодиров, район комсомол комитетининг секретари Ўрток Алиқулова.

* * *

Термиз райони — район партия комитетининг секретари Ўрток Чориев, район ижроия комитетининг раиси Ўрток Назарова, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Ўрток Сайдуллаев, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Ўрток Мусаев, суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи Ўрток Қорасоқолов, район комсомол комитетининг секретари Ўрток Маматқулов.

* * *

Шўрчи райони — район партия комитетининг секретари Ўрток Орипов, район ижроия комитетининг раиси Ўрток Хўжаев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Ўрток Мавлонов, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Ўрток Бобоқалонов, суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи Ўрток Уманский, район комсомол комитетининг секретари Ўрток Шарипов.

«Ўзбекбирлашув» правлениеси, партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда «Ўзбекбирлашув» Кооппосилторгнинг Тошкент базаси коллективи «Ўзбекбирлашув» правлениеси раиси М. Ҳ. Ҳасановга Укаси

Ходижон Ҳасанович ҲАСАНОВнинг

фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.
БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР
Эълонлар — 338142. коммутатор — 330249 дан 330258 гача.
Р — 02882. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 261.